

Қирғизистондаги «Сайида Хадича» қория қизлар мактабининг битирувчилари тақдирланди



11:20 / 01.07.2019 2762

2005 йилда Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ташкил этилган «Сайида Хадича» қизлар мактаби бугунга келиб жуда ҳам кўп ёш қизларнинг Қуръони карим ёд олишлари учун катта имконият эшиги бўлиб хизмат қилмоқда. Бу йилнинг биринчи ярим йиллигида 24 нафар муслима Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб ҳофиз Каломуллоҳ бўлдилар.

Мактаб раҳбари Жона Мақсудованинг маълум қилишича, шу пайтгача мактабни 200 нафар қиз битириб чиққан. Ёш қизларнинг Қуръони каримни ёд олиш муддати ўртача 3 йилни ташкил этмоқда. Баъзан бир йилда ҳам ёд олувчи қориялар қайд этилмоқда. Ҳар йили мактабга 100 нафар қиз

Ўқувчилар қабул қилинади ва ўртача 80 фоиз ўқувчи қориялар мактабини муваффақиятли битириб чиқмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти